

Қуръон зали: ноёб қўлёмаларни намойиш этиш лойиҳаси муҳокамада



16:52 / 31.03.2025 1090

Президент ташаббуси билан қурилаётган Ислон цивилизацияси марказида Қуръон зали экспозициясини ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирда уни керакли контент билан бойитиш ва ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда.

Ушбу лойиҳа бўйича учрашув ташкиллаштирилди, унда 114 та Қуръон қўлёмаларини намойиш этиш учун витриналар жойлаштирилиши, уларнинг ўлчами ва дизайнига оид масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда витриналарнинг ҳарорат ва намликни сақлаш хусусиятлари, ёритиш тизими, ультра бинафша нурларнинг таъсири, ёнғинга чидамлилиги ҳамда экспонатлар ҳимояси билан боғлиқ техник талаблар

муҳокама қилинди. Шунингдек, Қуръон қўлёзмалари бўйича олиб
борилаётган илмий-тадқиқот ишлари юзасидан фикр алмашилди.

Маълумот учун, Қуръон залида Ўзбекистонга алоқадор 114 та ноёб Қуръон
қўлёзмалари жамланади. Улар орасида Ҳазрати Усмон Қуръони, 8 асрга
мансуб Катта Лангар Қуръони, шунингдек, турли тарихий сулолалар
даврида юртимизда кўчирилган ёки сақлаб келинган ноёб нусхалар бор.

Шу билан бирга, Қуръон залида мультимедиа маҳсулотларини намойиш
этиш имкониятлари ҳам кўриб чиқилди.

Манба: Ислон цивилизацияси маркази ахборот хизмати